# ЙАНГИ ЙИЛ СОВҒАЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ЕТКАЗИЛДИ





Қумқўрғон туманида  Президент Шавкат Мирзиёевнинг   "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида аҳолининг эҳтиёжманд  қатламига  800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қумқўрғон тумани ҳокими Р.Гаппаров 1-сектор ҳудудидаги   маҳаллаларга бориб, янги йил байрами муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган фуқароларга “Президент совғаси” сифатида пул маблағларини топширди ҳамда

Давлат раҳбарининг табригини ўқиб эшиттирди.

Маълумот учун айтиш жоиз, 1-секторда

196 та хонадонларга 156 миллион 800 минг  сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Туманда жами  690 та оилаларга 552  миллион сўм  пул маблағлари топширилди.